14 0696

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида» 1996 йил 17 апрелдаги ПФ-1425-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика жамоат ташкилотлари, муассасалари ва идоралари томонидан ёшларнинг «Камолот» жамғармаси тузилганлигини ва унинг Устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг Низоми ҳамда ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарманинг бўлимлари ташкил қилинганлиги инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вазирликлари, давлат қўмиталари, концернлари, корпорациялари, корхоналари, хўжаликлари, тижорат банклари ва жамоат ташкилотларининг «Камолот» жамғармасига муассис сифатида аъзо бўлиб кирганлиги ҳамда унга молиявий, моддий-техникавий ёрдам кўрсатаётганлиги маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан «Камолот» жамғармасига 50 миллион сўм, «Бизнес фонд» — 15 миллион сўм ва Ўзбекистон Республикаси аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси — 20 миллион сўм ўтказсинлар.

5. Ўзбекистон Ёшлари Иттифоқи ихтиёрий равишда Жамғарма таркибига кирганлиги ва тасарруфидаги бинолар, транспорт, алоқага ва бошқа моддий-техника воситаларига бўлган барча эгалик ҳуқуқларини «Камолот» жамғармасига берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма ўз Устав мақсадлари ва вазифаларига тўла мос келган ишлаб чиқариш, тижорат ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Жамғарма, унинг бўлимлари ва уларнинг тасарруфидаги корхоналарнинг Устав доирасида фаолият кўрсатиб олган даромадлари солиқлардан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Жамғарманинг миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб-китоб счётларини очсин.

7. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар, муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари, бошқа барча юридик шахслар Жамғарманинг Устав вазифаларини бажаришга доир фаолиятига муттасил равишда амалий ёрдам берсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси Жамғарманинг хорижий мамлакатлар жамоатчилиги билан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишида ҳамда бошқа дастурий мақсадларни амалга оширишида унга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

9. «Камолот» жамғармаси раиси ва унинг ўринбосарларининг мақоми Ўзбекистон Республикаси вазирлар ва вазир ўринбосарлари мақомига тенглаштирилсин ва улар учун тегишли равишда белгиланган моддий-маиший ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари тадбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини мунтазам ёритиб борсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Жамғармани замонавий, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситалари билан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.



Экспедиция йўлга чиқди

2-бетга қаранг

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 8 июнь. Шанба. № 37 (14335)

ЎЗБЕКИСТОН—РУМИНИЯ: ЙЎЛЛАР ЙЎЛЛАРГА ТУТАШДИ

Ўзбекистон ва Руминия халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Енгил саноати нисбатан ривожланган Руминия яқин-яқинда ҳам Ўзбекистон пахтасини Россия орқали сотиб олар, шунингдек, Ўзбекистон ҳам шу йўсинда Руминия уй-жиҳозлари, нефть-кимё маҳсулотлари, енгил саноатда ишлатиладиган сунъий тола каби республика иқтисодиёти учун зарур маҳсулотларни харид қиларди.

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви ва Руминия сиёсий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар икки мустақил давлат алоқаларини янгича асосда, тубдан ривожлантиришни тақозо этди. Эндиликда мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсати барқарорлашиб, бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги ислоҳотлар жараёнининг маълум босқичлари ортда қолгач, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга имконият яралди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Бухарестга расмий ташрифини Ўзбекистон ва Руминия дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги алоқалари тарихидаги муҳим воқеа дейиш мумкин.

Ташриф асносида маълум бўлдики, ҳар икки мамлакатнинг ҳам ҳамкорликни бутунлай янги асосда давом эттиришга катта эҳтиёжи бор.

Ана шу боис бўлса керак, Руминия заминидаги илк дақиқаларданоқ ўзаро ҳурмат ва амалий натижаларга интилиш намоён бўлди.

5 июнь куни Бухарестдаги «Котрочени» саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Руминия Президенти Ион Илиеску пешвоз чиқди. Сарой майдонида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Маросим ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов ва Ион Илиеску сарой залларидан бирида тор доирада қисқа мулоқотда бўлдилар. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Руминия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, саройнинг ялпи мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ўз халқи учун муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказаётган икки мамлакат ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиши Ўзбекистон ва Руминия халқлари манфаатларига мос бўлиб тушиши таъкидланди.

Албатта, ҳар бир мамлакатда халқ ўз эҳтиромини алоҳида билдирадиган масканлар мавжуд. Руминиядаги ана шундай қадамжолардан бири Номаълум аскар қабридир. Ўзбекистон Президенти бу муқаддас қадамжога ташриф буюриб, румин халқининг озодлиги учун жон фидо қилган Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Руминия сўнгги беш йилда мураккаб тараққиёт йўлини бошидан кечирди, бироқ айни пайтда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг илк натижалари кўзга ташлана бошлади. Бунда хориж сармоясини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар яратиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани муҳим ўрин тутди. Ана шу боис, мамлакатнинг экспорт имкони тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Бухарестдаги халқаро савдо марказига ташрифи чоғида Руминия саноатининг экспорт маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди.

Катта майдонни ишғол қилган халқаро савдо марказида экспорт моллари кўргазмасидан ташқари, бизнес ижро хизмати, савдо галереяси, 300 ўринлик мажлислар зали, 203 хоналик меҳмонхона ва бошқа қулайликлар мавжудки, бу ишбилармонларнинг ўзаро алоқа боғлаши учун имконият яратади.

Ўзбекистон Президенти савдо марказида Руминия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Уларга мамлакатимиздаги барқарор сиёсий ва иқтисодий вазият, хорижий сармоядорлар, ишбилармонлар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашув чоғида руминиялик ишбилармонлар Марказий Осиёда муҳим мавқега эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта қизиқиш билдираётгани намоён бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Руминияга сафари дастури ғоят тиғиз, турли учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Шу куни юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Руминия Бош вазири Н. Вэкэроюни қабул қилди. Ушбу суҳбат чоғида ҳам икки мамлакат иқтисодий ва интеллектуал имкониятларидан халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, улар учун фаровон турмуш шароитлари яратиш йўлида фойдаланиш хусусида фикрлашиб олинди.

Ташрифнинг учинчи куни эса, Президент Ислом Каримов Руминия парламентига ташриф буюрди. Юртбошимиз бу ерда Сенат Раиси О. Герман, депутатлар палатаси раиси А. Нестасе ҳамда парламент аъзолари билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон ва Руминия парламенти ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида фикрлашилди.

Ислом Каримов мезбонлар ҳамроҳлигида Руминия парламентининг янги биносини ҳам бориб кўрди. Қарийб ўн уч йилдан буён қурилаётган бу маҳобатли бино меморликнинг нодир намунаси бўлиб, Европада ягона ҳисобланади.



Ташрифнинг энг муҳим ва тарихий воқеаси куннинг иккинчи ярмида «Котрочени» саройида рўй берди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Руминия Президенти Ион Илиеску икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос яратувчи дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, бу ерда иккиёқлама солиқ солмаслик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, илмий-техник ҳамкорлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, транзит юк ташиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро битимлари ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Ион Илиеску журналистлар билан учрашиб, уларга Ўзбекистон ва Руминия расмий делегациялари музокаралари якунлари хусусида сўзлаб бердилар.

Ташрифнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонни ташқи дунё билан боғлайдиган йўлларга эга бўлиш ҳақидаги орзуларимиздан яна бири амалга ошди, дейиш мумкин.

Бошқача айтганда, Президентимизнинг Руминияга буюрган бу ташрифи юртбошимизнинг яқинда Кавказорти мамлакатларига қилган сафарининг мантиқий давоми бўлди. Озарбойжон ва Грузияда бу мамлакатлар бандаргоҳларидан ҳамкорликда фойдаланиш ҳақида келишиб олинган бўлса, Бухарестга сафар эса денгиздаги йўлимизни янада чўзди — энди мамлакатимиз Грузиянинг Поти бандаргоҳидан Руминиянинг Константа шаҳригача, ундан Дунай дарёси бўйлаб Европа мамлакатларию улуғ уммонларга чиқиш имконига эга бўлди. Руминия билан, демак, барча Европа мамлакатлари билан йўлларимиз туташди. Дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар капиталининг Ўзбекистонга киритилиши, юртимиз ишбилармонларининг эса Европа бозорларига чиқиши учун жуда қулай йўл очилди.

Ион Илеску Ўзбекистондек ҳар томонлама бой имкониятли мамлакат учун Европага, Европа давлатлари учун Марказий Осиёга ишончли дарвозалар очилганидан Руминия ҳам манфаатдор эканини таъкидлади. Ўзбекистон биз учун ҳамиша садоқатли дўст, Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкоримиз бўлиб қолишига аминман, деди жумладан Руминия Президенти

Ўзбекистон раҳбари Ўзбекистон-Руминия ҳамкорлиги катта истиқболга эга эканини, ўзаро ҳамкорлик икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилишини қайд этди...

Ўзбекистон Президентига Руминияга сафари чоғида республика Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, К. Раҳимов, Р. Юнусов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Ўктам МИРЗАЁРОВ,
(ЎзА махсус мухбири)
Тошкент-Бухарест-Тошкент

ЯХШИ ДАМ ОЛИНГЛАР, БОЛАЛАР!

Республика ўқувчилари — ёзги таътилда. Болажонлар қарийб уч ой давомида дам оладилар. Бу вақт ичида улар янги ўқув йилига куч тўпламоғи лозим. Бунда ёзги соғломлаштириш лагерлари уларга ёрдам беради. Ёзги дам олиш масканларида болаларни қабул қилишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

Мактаб ўқувчиларининг кўнгилли дам олишини уюштириш масалалари билан ёзги мавсум бошланмасдан олдин тузилган ва доимий ишлайдиган болаларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш республика комиссияси шуғулланади. Унга бир қанча республика вазирликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари кирган. Бундай комиссия тузишдан мақсад ўтган йили ишлаган лагерларда ишни йўлга қўйиш ҳамда кўпроқ болалар дам олиш имкониятига эга бўлиши учун янги лагерларни очишдан иборат.

БАРЧА КАСБДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР, БИРЛАШИНГИЗ!

«Ижодкор аёл» — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси таъсис этган яна бир уюшмага ана шундай ном берилди.

Бу уюшма ижодий фаолият билан шуғулланувчи аёлларни бирлаштиради. Шоиралар ва адибалар, актрисалар ва мусаввирлар, раққосалар ва машшоқлар шу уюшмага аъзо бўлишлари мумкин. Янги жамоат бирлашмаси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Шу сонга хабар

Бу республикада хотин-қизларнинг бешинчи уюшмасидир. Ҳозир «Олима» уюшмаси, иқтисодчилар ва тадбиркорларнинг «Иқтисодчи ва тадбиркор аёл» уюшмаси, «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмаси, фаолияти экология соҳаси билан боғлиқ аёллар учун «Аёл ва экология» уюшмаси ишлаб турибди.

«ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЛАРИ» ҒОЛИБ

Навоий Давлат пединститутининг зукко талабаларидан иборат «Истиқлол юлдузлари» жамоасининг меҳнатлари зое кетмади. Улар «Қувноқлар ва зукколар» танловида Навоий кончилик институтининг «Кончилар» жамоаси устидан ғолиб чиқдилар. Шундай қилиб, педагогика олийгоҳи талабалари ғолиблик учун курашишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ўйинлар Навоий шаҳридаги Фарҳод» санъат саройида ўткизилади. Бўлажак муаллимлар Тошкент Давлат дорилфунуни ҳамда Қашқадарё педагогика олийгоҳи жамоаларини ўз майдонларида қабул қиладилар. Беллашувга «Камолот» жамғармасининг Навоий вилоят бўлими ҳомийлик қилмоқда.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
Туркистон мухбири

Дилбар ҚУЛМАТОВА: Машҳур тўқувчи. Севикли она, бахтиёр уй бекаси. Элнинг жонкуяр фарзанди. Яхши кўрган шиори: Ҳаётда ҳамма нарсага ўз вақтида улгуриш керак.

2-бетга қаранг

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

ҚАДИМ БАҚТРИЯНИНГ БИР ҚИСМИ

1991 йилнинг ёзида «Туркистон» («Ёш ленинчи») чилар ташаббуси билан «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедиция ташкил этилди ва биринчи сафарга отланди. Орадан беш йил ўтди. Шу орада экспедиция беш марта «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» сафар қилди.

Куни кеча экспедициямиз ўзининг олтинчи сафарини бошлади. Унинг жамоасида бир қанча таниқли олим, шоир, рассом ва тарихчилар бор. Галдаги сафарга «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори А. Алимбаев) ҳомийлик қилмоқда. Сафар иштирокчиларини кузатиш маросимида Республика ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов, раснинг биринчи муовини М. Қирғизбоев ва бошқа жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Шунингдек, сафарда республика телевидение, радио ва газеталари ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Сиз қуйидаги мақолада экспедициянинг бу галги мақсади ва у борадиган жойлар тарихи билан танишасиз.

СУРХОНДАРЁ — ҚАДИМ БАҚТРИЯНИНГ БИР ҚИСМИ

Тангри таолога чексиз ҳамду санолар бўлсинким, экспедициямиз ўзининг 6-йўналишини қадим Бақтриянинг Ўзбекистондаги макони бўлмиш Сурхон воҳасига қаратди.

Маълумки, Бақтрия милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталаридаёқ ғўзал гўшалардан бири эди. Бақтрияда милоддан аввалги 2-аср ўрталарида Кушонлар Тохорлар давлатини енганда Термиз шаҳри марказ-пойтахт бўлганлиги таҳмин ҳам қилинади. Фаёзтепа ёдгорлиги Бақтрия даврига оиддир. У ердан топилган нодир ҳайкалча дунёга машҳур ҳисобланади.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕРМИЗЛИК САЙЙИДЛАР

Амир Темурнинг пири Шамсиддин Кулол дунёйи баҳога рихлат қилгач, ўзининг яна бир пири бўлмиш Саййид Абдул Баракага қўл беради. Амир Темур доимо саййидлар (Муҳаммад алайҳис салом авлодлари)га катта ҳурмат билан қараб келган. Термизлик саййидларга, ака-ука Абул Маъали ва Али Акбарларга ҳам шундай илиқ муносабатда бўлган. Лекин, шундай бўлсада, 1371 йилги Темурга қарши уюштирилган фитналарда қора гуруҳчилар орасида Абу Лайс Самарқандий ҳам бор эди. Саййидларга мурувватли бўлган шаҳаншоҳ уларни авф этиб, Абу Лайс Самарқандийни Маккага жўнатади. Кейинроқ бу саййидларни Амир Темурнинг ёнида бўлганлигини кўрамиз. Айниқса, Хоразмга қилинган юриш пайтида улар Амир Темур Соҳибқирон билан бирга бўлганлар. Демак, улар ўз гуноҳларини тушуниб, унга садоқат билан хизмат қилганлар.

СОҲИБҚИРОННИНГ СУРХОНГА ТАШРИФИ

Амир Темур 1398 йили Ҳиндистондан қайтди. Амударёдан кечиб 21-22 май кунлари Термизда, 23 май куни Дишхона қишлоғида, 24 майда Теркида, 25 майда Темур дарвозадан ўтади.

Аввал Қаршидан Термизга Бойсун орқали ўтилган. Йўл ўртасида Темур қопуғ деб аталувчи дара бор. Амир Темур Ўлжой Туркон оғо вафотидан сўнг Амир Ҳусайн билан низо чиққач, шу ерда лашкаргоҳ тўтган.



Пойтахтимиз марказида Амир Темур музейи қад ростламоқда.

Шероботдан 10 км. жануби шарқда XI-XII асрларда бунёд этилган нодир ёдгорлик бўлиб, бу Хожа Исо ат-Термизий мақбараси дейилади. У Амир Темур замонида қайтадан таъмирланган.

Исо ат-Термизий ҳижрий 210 (мелодий 825) йилда Шеробод туманининг Буғ қишлоғида туғилиб, 30 йил давомида Бухоро, Марв, Макка, Мадина, Ироқ ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида илм олган. У қомусий олим бўлиб, ўнлаб асарлар яратган.

Умуман, IX-XI асрларда Термизда илм-фан гуркираб ривожланди. Ўша даврда шаҳарда 250 дан ортиқ буюк қомусий олимлар яшаб ижод этган. Улардан бири Ал-Ҳаким Термизийдир. Туркшунос олим Фуот Сезгин ўзининг араб мусулмон адабиёти масалаларига бағишланган асарида унинг таворих, фалсафа, ҳуқуқшунослик ва тасаввуфга оид 80 дан ортиқ асари борлигини ёзган. Бизда эса унинг 57 асари мавжуд. Қадимий манбаларда Ал-Ҳаким Термизийнинг 450 дан ортиқ асари борлиги ҳақида маълумот берилади.

Мақбара X-XI асрларда шайх Абу Абдулла ибн Али бин Муҳаммад Ҳаким қабри устига қурилган. Даҳманинг деворлари бир вақтлар ганждан ўйиб ясалган оппоқ гилам билан қоплангандек эди. Мақбаранинг ичида оқ мармардан қабр тоши бор. Қабр тошига ўйиб ўсимликлар тасвири туширилган ва Қуръони Каримдан олинган сура битилган. Даҳманинг бурчакларидан бирида катта маҳорат билан безатилган меҳроб бор. Мақбаранинг ёнида деворлари силлиқланган пишиқ ғиштдан ясалган масжид бўлган. Мақбарада Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо ва Ҳалил Султонлар кўп маротаба зиёратда бўлишганлар.

Шунингдек, Шурчи туманидаги IX асрда қурилган Искандар Зулқарнайн қўприги пишиқ ғиштдан шарқона услубда терилган. Бу ерда ҳам Амир Темур бўлган.

Амир Темурнинг Чағаниёнда бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд: Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида бу ҳақда қуйидагича ёзилади «... Соҳибқирон... Чағонрўднинг юқори ҳавзасида жойлашган Чағона томон юрди. Чағонада саодат ила кўнгач, Амир Жокуни атрофдан лашкар йиғмоққа буюрди». Қадимий Чағона ғўзал шаҳар бўлган. Ҳозир далага айланган бу шаҳарнинг ҳар бир қаричида ўша давр ҳаётига оид сопол парчалари учрайди.

Шарғун шаҳридан 20 километр узоқликда, Чўпдара тоғида Саййид Аҳмад эшон қабри бор. Айтишларича, Амир Темур бир неча бор у киши билан мулоқотда бўлганлар. Ҳисор қалъаси ҳам Темур номи билан боғлиқ. У Ҳисор қалъасини қўлга киритиш билан Мовароуннаҳрдаги ўзаро урушларга, бебошликларга чек қўйган эди.

КЎҲНА МАНЗИЛГОҲЛАР

Экспедициянинг олдидаги асосий вазифалардан яна бири воҳанинг мавжуд тарихий ёдгорликлари билан танишишдан иборатдир. Шундай муҳим обидалардан бири бу - Султон Саодат ёдгорликлар мажмуйидир. Ёдгорлик X асрда вужудга кела бошлаган бўлиб, қалин деворлар билан ўраб олинган. Ҳовли ичида турли даврларга оид 18 та мақбара бор эди. XV асрда мақбара қайта таъмирланган. Мироншоҳнинг ўғли Ҳалил Султон (1405-1409) даврида унинг кўркига кўрк қўшилди. Мажмуй қарийб етти аср (X-XVII) давомида қурилган. Асримиз бошларида ҳам таъмирлаш ишлари бўлиб ўтган. Асосий пештоқ шарққа қаратилиб, ички деворларда токчалар бўлган. Ушбу токчалар ёнида ўймакор ғиштларнинг ўзидан ҳар-хил нақшлар ясалган. Улар арча усулида терилган. XIV аср, яъни Амир Темур даврида иккала мақбарани туташтирувчи масжиднинг пештоқи баланд қилиниб, янгитдан зангори ўймакорлик ғиштлари билан безатилган. XV асрда бу безак устига қора, зангори, тўқ зангори, оқ-сариқ рангли сирли олти қиррадан иборат плиталар ёпиштирилган, очиқ қолган жойлари тўғри бурчакли мозаика шаклларида ҳамда оқ фондаги оч қизил ва кўк буёқли юлдузчалар билан тўлдирилган. Термизлик саййидларга оид бошқа мақбаралар ҳам шу даврларда бунёд бўлган.

Зурмала минораси. Ҳозирги Термиз шаҳридан 10 километр масофада Эски Термиз ҳаробалари мавжуддир. Бу ерда 12 метрли ёлғиз минора бор. У хароба ҳолатида ҳам улуғвордир. Миноранинг пойдевори икки метрдир. Ташқарисида айланма зина бор, унинг ичига иккита тор йўлакдан кирилади. Ушбу минора Эски Термиз билан қарийб тенгдош, яъни эрамизнинг дастлабки асрларида қурилган, дея тахмин мавжуд.

Қирқ қиз қалъаси. Термиздан 6 километр масофада, ушбу ёдгорлик XVIII асрга оид ўзбек халқи «Қирқ қиз» достони билан боғлиқ. Достон малика Гулойим ва унинг 40 та канизаги ҳақида. Ҳозирдаги мавжуд харобалар мудофаа қалъасидир. Икки қаватли сарой IX асрда қурилган. Қалъа деворлари жуда қалин бўлиб, тўртта катта дарвозалар мавжуд. Ҳовли ичига шу дарвозалар орқали кирилади. 1-қаватда 17 та хоналар ҳамда 3 та меҳмонлар учун катта хоналар бор. 2-қаватда ҳам 1-қават сингари хоналар мавжуд. Ёдгорлик сомонийлар давридаги услубда қурилган обидаларга ўхшаш. Меъмори ким эканлиги ҳам номаълум. Вақт ўтиши билан саройнинг ўзи ҳам тамоман вайрон бўлган. Уни IX асрга оид деб айтилади.

Жарқўрғон минораси. XII асрга оид бўлиб, уни серахслик (Туркманистондаги шаҳар) Муҳаммаднинг ўғли Али ҳижрий 502 йили (мелодий 1108-1109 йиллар) барпо этган. У Қорахонийлар даврига оид. Ҳозирги баландлиги 30 метрга тенг бўлсада, аслида 40 метрдан кам бўлмаган, деб тахмин қилинади. Минора айланаси 17 метрдир.

Заровутсой қуриқхонаси. Термиздан 10 километр масофада. Кўҳитанг тоғидаги хушманзара дара. Унинг қояларида 200 дан ортиқ суратлар аниқланган. Ушбу суратлардан фақат 30 га яқини яхши сақланиб қолган, уларда ов манзараси тасвирланган. Тасвирлар ибтидоий даврга хосдир.

Бойсунтоғдаги Зовтолошсой дарасидаги Тешиктош ғори. У ердан мустъе даврига оид неандертал топилган.

Далварзин тепа, Болали тепалар ҳам тарихий маконлардир. Музрабод ёдгорликларини ўрганиш билан милоддан аввалги ва Амир Темур даврига оид маълумотлар ойдинлашади. Шунингдек, Сариосиё туманидаги Дашнобод дарёси юқори ҳавзасида Бобурдан қолган Боғи Самарқанд бор.

Хуллас, экспедициямиз ташриф буюрадиган қадимий манзилгоҳлар, қадамжолар Сурхон воҳасида бисёрдир. Ушбу ерларга қадам ранжида қилишнинг ўзи кишида ифтихор билан бирга катта масъулият юклайди.

Оқ йўл! Сафарингиз бехатар бўлсин, азиз ватандошлар!

Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ,
Экспедиция раҳбари
Муроджон МИРЗАЕВ,
Экспедиция илмий котиби
Тўлқин ҲАЙИТ,
журналист.

9-июнь — Енгил саноат ходимлари куни

НЕЧА ЙИЛЛАР ЎТСА ҲАМ...

Субҳидам... Соат 4.00 лар чамаси. Дилбар опа ишга отланаяпти. Қулидаги бир пиёла чойини тезда хўплади. Кенжатойи Баҳромжоннинг ёнига келиб пешонасида секингина ўпти-да, устини ёпиб қўйди. Кейин кўзгу ёнида бир зум тўхтаб сал-пал ўзига қарагандек бўлди-да, уст-бошини кийиб ишга йўл олди. Эшик пештоқидаги соат эса 4.15 ни кўрсатиб турибди. Худди аскардай, ҳамма тезда коржомаларни кийиб, ўз иш жойларини эгаллаши керак. Бизнинг Дилбар опа ҳам ўз вақтида жойини эгаллади. Ҳар куни шу зайлда иш бошланади.

Ҳа, Дилбар опа, эл хизматини ўз ташвишларидан устун қўйган аёллардан.

Яқинда опани учратиб қолиб кўзларимга ишонмадим. Чунки орадан неча йиллар ўтса ҳамки, ўша-ўша иссиқ чеҳра, келишган қомат, хушчақчақлик. Опа билан суҳбатлашганда қанча вақт бўлсаям зерикмайсиз, тўлиб-тошиб гапирганидан ўзингиз ҳам завқланиб кетасиз.«Кишининг аввало оиласида хотиржамлиги бўлмас экан, ҳеч қачон ишида унум бўлмайди. Ўша оиланинг тинчлиги, тотувлиги иш давомида албатта ўз натижасини кўрсатади. Буни Дилбар опанинг оиласида яққол кўриш мумкин. Турмуш ўртоқлари Бахтиёр ака билан 2 ўғил, 2 қизни тарбиялаяпти. Бахтиёр ака техника фанлари номзоди. Тошкент Текстиль институтида 1971 йилдан бери домла. Ўз билимларини ёшларга сидқидилдан ўргатмоқдалар. Ҳаётда бир-бирларига шу даражада ёрдам берадиларки, киши кўрса, кўзи қувонади, ҳаваси келади.

Дилбар опанинг ҳаёти, меҳнат фаолияти тахсинга лойиқ. 26 йилдан бери тўқимачилик комбинатида оддий тўқувчи касбини ардоқлаб, меҳнат қилади. У моҳир ишчигина бўлмасдан, яхши ташкилотчи, яхши жамоатчи ҳам.

Ўзбекистонимиз мустақилликкa эришгандан сўнг аёл меҳнатига ҳурмат эътибор янада кучайди. Дилбар опа комбинатнинг 60 йиллик тўйида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими унвони билан тақдирланди.

... Биласиз, бизда иш узлуксиз, сменали. Қайси сменада ишласам ҳам доим ишга бораётганда кўнглим ёришади. Бўлмаса эрталаб 3.30 да туриш ёки кечаси 1-2 лардаям оёқда тик туриб ишлаш осон эмас. Бир томондан шовқин кучли, доим юриб ишлаш қийин. Бунинг устига болаларга қараш, уларнинг боғчаси, мактаби, овқати, кийими, тарбияси. Бахтимга Бахтиёр акам жуда меҳрибон, ҳар томонлама менга ёрдам берадилар. Ишимиз жуда масъулиятли ва мураккаб. Ўзим СТБ — 330 дастгоҳда костюмбоп газлама тўқийман. 2600 дона ип ярим метр матони ташкил қилади. Шунда бирорта ҳам узилган ип ёки тугуни бўлмаслиги керак. Агар бир дона ипда кетиб қолса газламанинг сифати бузилади. Бизнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлар чет элларда аъло баҳоланмоқда. Ҳатто газлама чиқиндилари ҳам қўлма-қўл, уни пресслаб четга сотамиз. Ахир бу тоза пахтадан бўлган, харидоргир маҳсулотдир. Харидорни эса сифатсиз маҳсулот ранжитади. Шунинг учун иш сифатига қараб ойлик маош белгиланади. Яхши ишласангиз яхши оласиз, албатта.

Олдинлари комбинатга ишчи кучи етишмасди. Ушанда ўзим Оққўрғонга бориб 40 нафар хотин-қизларни бошлаб келганман. Мактабларга, колхозларга бориб, уйма-уй юриб, тушунтириб, ишимизни тарғибот қилиб, қизиқтириб олиб келардим. Келишганлар. Баъзилари кейин раҳмат ҳам айтган. Мана ҳозир комбинатимиз жуда катта бўлиб кетган. Ичида 7 та фабрикаси бор. Ишга келувчи жуда кўп. Чунки бизда иш билан бирга дам олиш масканларига бепул йўлланма, соғлиқни назорат қилиш пункти, ишчиларга ғамхўрлик, яхши йўлга қўйилган. Тушлик овқат бепул, болалар боғчаси комбинатнинг ёнида.

Барака топсинлар, бош директоримиз Махмуджон Узоқов ҳамма нарсани муҳайё қилиб бераяптилар. Ҳатто ҳар бир ишчининг иш стажига қараб акциялар ажратдилар. Шундан кейин бизнинг ёмма ишлашга ҳақимиз борми? Йўқ, албатта!!

Улар билан гаплашиб, уйга қайтар эканман, бу опадан катта куч олганимни ҳис қилдим. 26 йил сершовқин дастгоҳлар олдида туриб, сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Меҳнат азоби қанчалик кучли бўлса, роҳатиям шунчалик лаззатли буларкан. Мен буни эл ичида ўз меҳнати билан ардоқланиб келаётган Дилбар Қулматова мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилдим.

Г. ИБРОҲИМОВА.

ЭЛЧИ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

ТошДУ Халқаро журналистика бўлими талабалари ҳузурига Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Алица Соботкова ташриф буюрди. Ўзбекистонда деярли икки йилдан буён яшаб, бўлаётган ўзгаришларнинг гувоҳи сифатида А. Соботкова ижобий фикрларини билдириш билан бирга, бугунги Чехия Республикаси, унинг сиёсати, иқтисодиёти ва аҳолисининг турмуш тарзи ҳақида ҳам маълумотлар берди. Чехиянинг Ўзбекистон билан алоқаларини Прага университетининг Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ҳамда Тошкентдаги Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университетлари билан муносабатларида кўриш мумкин, — дея таъкидлади у. Шунингдек, А. Соботкова Чехияда нашр этилаётган турли газета ва журналлар, уларнинг фаолияти ҳақида ҳам сўз борди. Учрашув сўнгида Алица Соботкова халқаро журналистика бўлимининг эсдаликлар альбомига ўз тилакларини ёзиб қолдирди.

Муҳаббат ШАРИПОВА,
ТошДУ журналистика факультети Халқаро журналистика бўлимининг III курс талабаси.

Биз дунёни, дунё бизни танимоқда

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ — ПОКИСТОНДА

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий Уюшмаси фаолиятида кескин ижобий ўзгаришлар юзага келди. Қатор давлатлар билан дўстлик жамиятлари тузилди. Уюшма раҳбарлари ва жамият аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли дўст мамлакатларнинг миллий-озодлик байрамлари куни ишлаб чиқариш корхоналарида, олий ўқув юртларида тадбирлар ўтказилиши, бу тадбирларга элчихоналардан вакиллар, атоқли арбоблар ва санъат аҳиллари қатнашиши одатий ҳолга айланди.

Дўстлик алоқалари фаол йўлга қўйилган давлатлардан бири Покистон Ислом Республикасидир. Ҳар йили Уюшма қошида «Покистон кунлари» ўтказилади. Шу ўринда Покистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Шавкат Али Шайхнинг уюшмага тез-тез қадам ранжида қилиб туришини таъкидлаш лозим.

Икки томонлама хоҳиш-истакдан келиб чиқиб делегациялар алмашувлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Ҳар йили ўзбекистонлик делегатлар Покистонга борадилар, покистонликлар эса Ўзбекистонга келадилар.

Ўзбекистондан борган делегация бир жиҳати билан фарқланади, яъни юртимиздан ташриф буюрган меҳмонлар хонадонларда, оилаларда яшайдилар. Сабаби, ушбу делегация Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифаий миллий алоқалар уюшмаси томонидан жўнатилган бўлиб, сафар мақсади ҳам мазкур давлатнинг маданий-маърифий ҳаётини, турмуш тарзини ўрганишдан иборат. Оилаларда туриб яшаш эса ана шу мақсадни амалга оширишда анча қулайлик туғдиради.

Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ турли соҳа эгаларидан иборат аёллар делегацияси навбатдаги сафарда бўлиб қайтишди.

Сафар таассуротлари ҳақида гуруҳ раҳбари Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими касаба уюшмасининг раиси Лола Жалолова билан суҳбатда бўлдик.

— **Лола опа, сафар таассуротлари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Санъат шаҳри бўлмиш Лаҳор тайёрагоҳида бизни Покистон—Ўзбекистон иқтисодий-маданий алоқалар Марказининг президенти жаноб Мухамад Али Бухаттий ва унинг муовини Шамоқат хоним бошчилигидаги марказ фаоллари гулдасталар билан кутиб олдилар. Ўша куннинг ўзидаёқ оммавий-ахборот воситалари томонидан ташрифимиз кенг ёритилди.

Сафаримиз бошидан то хайрлашув кунигача бўлган давр ичида Марказ фаоллари биз билан бирга бўлдилар. Жуда кўп диққатга сазовор жойларга олиб бордилар. Катта-катта саноат корхоналарида, хусусий ва давлат муассасаларида бўлдик, тиббиёт, фан-техника соҳаларидаги ўзгаришлари, эришилган ютуқлари, умуман Покистоннинг бугунги кун тараққиёти билан танишдик.

— **Мана, сизлар покистонликлар оиласида яшабсизлар. Покистон хонадонининг ўзбек хонадонига ўхшашлик томонлари борми? Оилада аёлларнинг роли, фарзанд тарбияси, фарзанднинг ота-онага муносабатлари ҳақида нима дея оласиз?**

— Маълумки, Покистон Ислом Давлати. Бу фуқаролар ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказган, албатта. Фарзанднинг ота-онанинг бир-бирига самимиятлари деярли ўхшаш. Покистон аёллари ҳам ўзбек аёллари каби ўз турмуш ўртоқларини жуда қаттиқ ҳурмат қилиб, «фарзандимнинг отаси, оиланинг бошлиғи», — деб эъзозлар эканлар.

— **Покистонликлар ўзбек халқи тўғрисида қандай фикрда? Юртдошимиз Бобур ҳақида нималар билишади?**

— Мамлакатнинг барча худудлари аҳолиси хусусида бир нарса дейишим қийин. Лекин биз бўлган Лаҳор аҳли, биз ўзбеклар-ни «Сизлар билан биз бир авлодмиз», — деб ҳам айтишди. Покистон — ўзбек марказининг аъзоси Сожида Саид Бухорий хоним ўзининг авлодлари бухоролик эканлигини, бундан 600 йил олдин бу ерларга келиб қолганликларини айтиб, ўзини фахр билан бизга «ҳамшаҳаримсизлар» деб алқади. Айниқса, тақдим этилган ўзбек дўпписини ўғли фахр билан кийиб юрганини, юртдошларига «бу бизнинг миллий либосларимиздан» деб қувонч билан айтгани бизни кўп хурсанд қилди.

Бобур Мирзо ҳақида улар жуда кўп нарсаларни билишар экан. Биз ташриф буюрган Лаҳор шаҳрининг ўзида Бобур ва унинг авлодлари қуриб қолдирган қадимий обидаларни ҳозиргача кўз қорачиғидек авайлаб келишар экан. Бобурга бўлган ҳурмат покистонликларда жуда чексиз.

Қисқаси, Покистон сафаримиз жуда мароқли ва сермазмун ўтди. Насиб қилса, шу йилнинг сентябрь ойида покистонлик дўстларимиз Ўзбекистонга келишади.

Дарҳақиқат, тарихи, дини бир-бирига чамбарчас бу икки халқнинг дўстлиги абадийдир. Бинобарин:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Муқима АБДУЛЛАЕВА.

Бугунги ташвишлар

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

дейди музрободлик тажрибали пахтакор Файзулла Алимов

— Қоронги тушиб кетди-ку. Энди Равшан Худойқуловни излаш беҳуда деди «Қўнғирот» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раҳбари Янгибой Юсупов. Ғаллазорларни оралаб бўлгач, хушлашар экан.

Баҳорда кун анча узайган бўлса-да, эрталабдан буён деҳқон хўжаликлари далаларини айланиб юриб, вақт тез ўтганини сезмай қолибмиз. Аммо, кеч бўлса-да, энди «Навбаҳор» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раҳбари Равшан Худойқулов билан ғурунг қилиш — ундан ғўза ва ғалла парваришининг аҳволи хусусида маълумот олиш нияти бизни қўшни хўжалик идораси тарафга бошлади.

Уюшма раиси қабулхонасида одам кам эмас. Бироқ, ҳеч жойда ёруғ кўринмас эди.

— Ҳозиргина электр токи учиб қолди, — деди касаба уюшмаси раиси Муҳаммади Абдишукуров. — Ҳафа бўлманг, меҳмон. Раисимиз муҳим масалани муҳокама қиляптилар. Икки-учта деҳқон хўжалигида ғаллага иккинчи марта озуқа берилмаган экан. Бировида суғориш кечикибди. Шунинг учун раис тажанг бўлиб, деҳқон хўжаликлари бошлиқларининг қулоғини «тортиб» қўяётир.

Вақт анча кеч бўлиб қолди. Кун ботганига бир соатдан ошган, кўпчилик уйда мазза қилиб дам олаётган эди. Бу ерда эса, ҳалиям иш...

— Хужалигимизни яхши ният билан «Навбаҳор» деб номлаганмиз — деди Равшан Худойқулов. — Энди сизни бугунги иқтисодий ислоҳотларга қандай ҳисса қўшаётганлигимиз, қизиқтиради. 120 хонадон ғазлаштирилган, 230 хонадон водопроводлаштирилган. Бу ишлар ҳалиям тўхтагани йўқ. Яқинда спорт инструктори штатини жорий этдик. Қишки клуб, стадион, болалар боғчаси, оёқ кийимлари ремонти устахоналари бор. Энг муҳими, одамлар ҳаммом хизматидан хурсандлигини айтмайсизми? Врачлик амбулаторияси ходимлари халқ саломатлигини яхшилашга интилишяпти. Ёшларнинг яхши ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун имкониятлар бор.

Эртаси куни бу хўжалик далаларини ҳам кўздан кечирдик. Рустам Эгамбердиев бошлиқ звенода яганалаш бир ҳафта ичида тугалланипти. Мурғак ниҳоллар атрофидаги иссиқ тупроқ ун каби майин. Тракторчилар кўпчилик майдонларда биринчи ишловни тугаллашган. Бу ишларда ёшлар ташаббускор бўлишаётганлиги диққатга сазовор.

— Бугун мен ҳам машҳур деҳқон Парда Худоёров бошлиқ «Туркистон» деҳқон хўжаликлари уюшмаси далаларини кўздан кечириб чиқдим, — деди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Алланазар Ҳамроев. — Яна бир ҳафтадан сўнг ғалла ўримга келиб қолади. Айрим звеноларда ғўзаларнинг иккинчи ишлови бошлаб юборилган. Деҳқонлар ниҳоятда тадбиркорлик билан, зўр ғайрат кўрсатиб ишлаяптилар. Айниқса, Файзулла Алимов, Шоқулат Худойбердиев, Маматмўмин Отамуродовлар раҳбарлик қилаётган «Янгиобод», Ал Ҳаким ат-Термизий ҳамда Акмал Икромов номли хўжаликларда ғўза ва шоли парвариши дуруст ташкил этилган.

Ўтган йилда Музробод туманида деярли барча хўжаликларда пахта ва шоли ишлаб чиқариш режалари уддаланмай қолди. Бу йил эса, туман деҳқонларининг айтишига қараганда, ғўзаларнинг ривожи бултургидан ўн кун олдинда. Бунинг устига минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилган экинлар яхши ўсяпти.

— Ишқилиб, ҳаракат қилган — ютқазмайди. Насиб бўлса, бу йил туманимиз меҳнат аҳли қолоқлик ботқоғидан қутуладилар, — дейди тажрибали деҳқон, забардаст полвон Файзулла Алимов.

Пахтакор, айниқса тажрибали пахтакор бу гапни бежиз айтмади. Улар сўзларининг уддасидан чиқишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Ёшлар ва техника



Шу йилнинг 18-22 июнь кунлари пойтахтимизнинг «Ёшлик» спорт аренасида республика миллий технология кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда 20 дан ортиқ турли нуфузлари фирмалар, етакчи ташкилотлар, уз маҳсулотлари билан иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Худди шундай кўргазма бундан бир неча ой олдин Фарғонада — «Олтин водий — 96» номи билан ўтказилган эди. Эрта-индин уз ишини бошлайдиган мазкур кўргазма юқорилаги тадбирнинг рамзий давомчисидир.

Миллий технология кўргазмаси ташкилотчилари ўрта ва кичик талбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси («Бизнес фонд»), республикав фан ва техника Давлат қўмитаси ҳамда ёшлар тадқиқотлари марказидир. Кўргазмага марҳамат, тадбиркорлар!

Суратларда: миллий технология кўргазмаси ташкилотчилари навбатдаги тадбирга ҳозирлик кўришмоқда.

Суратчи А. МАМАДАМИНОВ.

Дилбар МАҲМУДОВА — камтарин инсон, истеъдодли қаламкаш. У бу йил 60 баҳорни қаршилади. «Туркистон»чилар Дилбар опани қутлуғ ёш билан чин дилдан муборакбод этадилар.

Орамиздаги одамлар

ХОЖАТБАРОР

- *Ҳунари бор кишининг...*
- *Совчилар ҳам маслаҳат сўрайди.*
- *Тош ҳангомаси.*

Хумсон қишлоғида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган борки, Ҳусан отани яхши билади. Наинки отахон ажойиб ҳунари, ҳожатбарорлиги билан эл орасида ҳурмат қозонган.

Ҳусан ота бир ерда ўқиб, диплом ёқлаб, устачиликни эгаллаган эмас. У кишига ҳаёт мактаб, ҳаёт диплом берган... Бағри кенг, қўли гул усталарга шогирд тушган. Уларнинг ишларини эринмай кузатган. Зеҳнига жойлаган ва ниҳоят ўзи ҳам усган шу жонажон қишлоғида у ошхонаю молхонадан тортиб, ичкари ва ташқари ҳовлили ҳашаматли иморатларгача синч қадаган, безаган... Эллик йилдан буён устачилик қилаётган бўлса, у озмунча иморатни қўлдан чиқардими?!

Устачиликни бошлаган пайтларида еппасига лой томларда яшаган ҳамқишлоқлари бугун замонавий уй-жойларда яйраб ўтиришибди. Тунука, шефир томли, икки қаватли беш-олти хонали уйлар... мақтаниш эма-ку, қишлоғини шу меҳнаткаш қўллари билан қайта қурди ҳисоб...

Булар аслида қишлоғимиз одамларининг яхши яшашига ишқибозлигидан, — дейди уста. — Биров ўғлига атаб, бошқаси ота-онам яйраб ўтиришсин, деб иморат қуради.

Иморат қураман, деб ният қилган борки, муродига албатта етади. Сабаби бугун қишлоқ унга ёрдамга ошиқади. Қурилиш материлларини йиғиб юрган одам иморат бошласаю ошиғи олчи бўлди, деяверинг. Бунда ҳар қанақанги иморатни ҳам бир ойга қолмай тиклаб, устини ёпиб, сувоқдан чиқариб оламиз.

— **Ҳашарни кўзда тутяпсиз чоғи?!**

— Ҳа, ҳашарни... Ҳар шанба, якшанба қариндош-уруғ, ёру-биродар, қўни-қўшни дейсизми, ҳашарга йиғиламиз. Бизда гувала кўп ишлатилади. Ким гувала думалатади, гувала қуригунча лумбоз босишга қарашади.

Лумбоз қуригунча гувала урилади, кейин сувоқ...

Иморатнинг бичиғини олиб, устун қўйиб, синч қадаб берсам бас, буёғини барака топкур ҳашарчилар қўлдан чиқараверишади. Бизнинг қишлоқда бирор йигит йўққи, қўлидан лой қориш, девор уриш, лумбоз босиш, лой сувоқ қилиш келмаган бўлсин...

Ҳусан ота билан бўлган қизғин суҳбатдан яна шуларни ҳам билиб олдим. Хумсон қишлоғида ҳашарга суяниб катта-катта ишларни бошлаб юборишаверар экан. Айтайлик, хонадонларда қишга ҳашак, ўтин йиғишда ҳам ҳашар усули жуда қўл келар экан. Қурилишга келсак, уни ҳашарсиз тасаввур этиш қийин. Одамлар тўйга боришмаса ҳам лекин иморат қурилишига албатта боришади. Бу тўйга бўлмаса бошқасига барарман, дейиш мумкин. Аммо иморат эса бир марта қурилади. Унга — ҳашарга бормаган, ишлаётганларни йўқламаган одам ўзини ноқулай ҳис этади... Шунданми, иморатга пойдевор қўйилган кундан бошлаб, уша хонадонга одамлар оқиб келишаверади... Аёллар, қариялар ҳам иморат қурилишига нима биландир ҳисса қўшишга интилишар экан. Ким бир лаган ширгуруч, ким қовоқ сомса, патир нон пишириб келиб, ҳашарчилар дастурхонига қўяди.

— Уста пешонабоғингиз кир бўлиб кетибди-ку, мана буни танғиб олинг, деб ёнига пешонабоғ тутишади, белбоғ боғлашади, яхтак кийгазишади... Удумимиз шунақа, — дейди мамнун жилмайиб Ҳусан ота. — Ҳиммат баланд одамлар... Бунақанги одамлар етти иқлимда ҳам топилмайди...

— **Кўринишидан ҳамқишлоқларингизни жуда яхши кўрар экансиз... уларнинг хонадонларида ҳафталаб, баъзида айлаб ишлаб қоласан, дегандингиз... Демак, ўша оила аъзоларининг яхши, ёмон жиҳатлари билан ҳам яқиндан танишар экансизда?..**

— Тўғри, кимнинг аёли пазанда, қайси хонадон эркаги танбалу, қай бири чаққон, кимнинг қизидан бахт иси гуркирайди. Ҳаммаси ойнадек кўринади, қолади. Баъзида совчилар келиб, фалончи-пистончилар қанақа одамлар, деган маънода мендан сўраб-суриштириб ҳам кетишади...

Ажойиб, меҳнаткаш одамларимиз бор. Шундай тоифа одамларимиз ҳам борки, улар Гоброво қизиқчиларидан ҳам ўтиб тушадилар. Уларни эслаганимда ўзим ҳам кулиб-кулиб, мазза қилиб дам оламан...

— **Ўшалардан бир-иккитаси ҳақида ҳикоя қилиб беринг.**

— Бир хонадонда ишлаётувдим... Биз кўтараётган иморатдан қўшни тарафга дераза очилмаса уй ичига ёруғлик яхши тушмайдиган кўринди. Шу боисдан бўлса керак, уй эгаси кечки тараф қўшнисини меҳмонга таклиф қилди. Қўшниси бир коса мумли асални паққос туширди. Бир чилпит қимизни ичдик. Шунда қўшни қўшнисига дардини ёзди...

— Эй қўшнижон, боғимда қиз ўстирибманмики, биров кўриб қолади, бей қизгонсам... Экин-текиндан бўлак ҳеч ваҚо йўқ унда... Дераза экану, бизникига эшик очинг қўшни эшик... менга деса биз тарафнинг ҳаммасини ойнаванд ром қилинг. Э, бу беш кунлик дунёда сизу биздан яхшиликдан бўлак нима ҳам қоларди, очаверинг, очаверинг деганича чапани юриш қилиб чиқиб кетди.

Орадан бир йил ҳам ўтмади, ҳалиги дераза очаверинг деб осмондан келган қўшни қаерда мени кўрса «очган деразангни уриб ташла» деб пуписа қила бошлади. Мачитдами, чойхонада кўрадими, «қачон деразани уриб берасан?» деб ҳоли-жонимга қўймайди... У гапирган сайин мен ич-ичимдан мазза қилиб кўламан... Қўшнилар орасидан оламушук ўтган чоғи... Буни қарангки, қўшнисининг юзи иссиқда, мен тарафдаги деразангни бекитиб ол, деб унга айтолмайдию, менга пуписа қилгани-қилган.

— Қишлоғимизда рилиқ кампир бўларди. Уша онахоннинг қўшнимизникида ишлаётувдим, пойдеворига шагал етмай қолиб, рилиқ кампирнинг дарвозаси олдида сочилаб ётган бир машина шагални ишлатиб, эртасигаёқ кампирга бир машина шагал келтириб беришди... Иморат ишлари тугади. Йилим бўлгани учун ҳар куни рилиқ кампирнинг эшиги олдидан ўтаман. Йўлдан ўтдим дегунча рилиқ кампир мени ушлаб олиб, уша шагалимни олиб келиб бер, деяверди. Ахир, шагалингиз ўрнига урин келтириб беришганку, десам, ўзимникини қайтариб берингилар, деяверарди. Азбаройи шу гапидан қутулай деб, бошқаларнинг ишини ташлаб бўлса ҳам кампирникига келиб иморатига уннаб кетдим. Қарасам, ҳовлисидаги икки туп ёнғоқ бир бирига чирмашиб кетибди. Иморатни кўтаришга ҳалақит берянти. Нима қилишимни билмай, ўз-ўзимга: «ўзум-ўзумдан чумак ўради, ё тавба ёнғоқ ёнғоқдан ҳам чумак урарканми дедим. Шунинг биттаси бўлмагандаку... иморат соз кўтарилардида...

Гапимни кампир эшитиб турган эканми, «нима дивоссан Ҳусан?» деб қолди. Мен гапимни қайтардим.

— Адо бўлгур шу икки туп ёнғоқдан кошки бир дуппи ёнғоқ олсам... қирқсанг қирқ, зора қолгани қилса, нима дединг?!

— Балки, қилар, — дедим.

Эртасига кампир ҳоли-жонимга қўймай ёнғоқнинг бир тупини менга қирқтириб, йўғонларини саржинлатиб, шохшаббаларигача бир текис қирқтириб олди.

Янги битган уйга уша йили неварасини уйлантирди. Туй-ўтдию, бошим яна балога қолди. Тош ҳангомасига энди ёнғоқ муаммоси қўшилиб кетганди.

— Ах, Ҳусан, Ҳусана!

Негаям ёнғоғимни қирқдингга, қирқмаганигда эҳтимол шовулдай қиларми... — дея кампир ўртаниб қўярди. Кампир ҳаётдан ўтгунича мени кўрса, ўзимнинг тошимни қайтариб бер, эссиз, ёнғоқни негаям кесган экансана, деб тўнғиллаб қўярди...

— **Кейинги йилларда усталарга эҳтиёж катта. Айниқса шаҳарларда уста етишмайди. У ёғини сўрасангиз шаҳарда хизмат ҳақи ҳам яхши... Сизда шаҳарга бориб ишлаш иштиёқи туғиладими?!**

— Бу ҳақда гап бўлган... илтимос қилишган, бормаганман... гап шундаки, ҳамқишлоқларимнинг гапини ташлаб, кетолмайман. Бу ерда ҳақим кам бўлса ҳам баракасини берсин...

— **Демак, сиз савоб иш шайдосисиз?!**

— Билмадим, бўлар савоб ишми, йўқми... ҳарқалай яқинда кўнглимдаги бир армоним ушалгандай бўлди, — дейди отахон. — Хумсон қишлоғида Исом, Жуман, Нурмат, Пирмон деган ажойиб иморат усталари ўтган. Уларнинг номи нафақат қишлоқда, балки Бўстонлиқ туманида ҳам машҳур бўлган. Ана шу усталарга шогирд тушганман. Улардан кўп нарсаларни ўрганиб олганман. Армоним шу эдики, шогирд бўлиб, уларга бир белбоғ боғламадим, бошларига бир дуппи кийгизмадим... Яқинда Жуман устанинг ўғилларидан Унар билан Йўлдошга, Исом устанинг ўғли Собирнинг иморати қурилишига бош-қош бўлдим...

Шамши бобом хўп ҳунарли одам эдилар. Эсимда бешик ясардилар. Чарх қилардилар. Тоғам Назиржон эса теша, кетмон, болта сопи, сумак ясарди. Менинг қонимда балки уша азизу мукаррама одамларнинг қони айланиб ётгандир. Улардан ҳам қарздорман...

Бағрикенг, ҳиммати баланд уста Ҳусан ота Соатовга ҳавасим келади. Танглайи меҳнат билан кўтарилган, ўз бахтини меҳнат ва яна меҳнатдан топган устага умрингиздан барака топинг, дегим келади. Уй қуриб, ўғил-қизларингиз, бир уй невараларингиз, эл-юрт бахтига соғ-омон бўлинг. Қурган уйларингиздан фақат шодухуррамлик аримасин.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Журналист

ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИДА

Душанба, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Рақс санъати усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов.
9.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Муроднинг орзу-ўйлари».
9.30 «Мен туғилган тупроқ». Телеҳикоя.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар». Рауф Толиб — 50 ёшда.
10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.00 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув.
18.50 Футбол шарҳи.
19.05 Дам олиш концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Мен ва дунё». Ёшларнинг сиёсий клуби.
21.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров.
22.10 «Ватанни соғиниб». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.40 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ-2 намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ-2 намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40
*
20.40 Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Сешанба, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Сусанбил». Хоразм вилоят кўғирчоқ театрининг спектакли.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 Шифокор экрани.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат — оналар оёғин остидадур...». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.30 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Талаб ва таклиф». Самарқанд вилоятидан кўрсатув.
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам». Телелавҳа.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Давра суҳбати». Қишлоқда даволаш шаҳобчалари тармоғини ривожлантириш, мавжуд фельдшер-акушерлик амбулаторияларини қайта йўлга қўйиш, уларни таъмирлаш, ободонлаштириш, ихтисослашган тиббий ёрдамни ташкил этиш ҳақида.
21.35 Эстрада тароналари.
22.05 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Навоий вилояти.
22.40 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Бу ажиб дунё».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Чоршанба, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Рангин жилолар». Кинодастур.
9.10 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
9.40 «Қишлоқ стадионларида». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизлар гулдастаси».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
*
12.00 «Кашф этилаётган имкониятлар». Тадбиркорлик самаралари.
12.30 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Пахтакор» (ёзиб олинган).
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.30 «Компьютер сабоқлари».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.00 Хиванинг 2500 йиллигига. «Муҳаммад Раҳимхон Феруз».
22.40 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Теннис-клуб.
00.35 — 00.45 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ-2 намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Пайшанба, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Булбулча»нинг парвози». Фильм-концерт.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Талабалиқ йилларим».
9.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нишона».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳайратга беланган шаҳар». Шаҳрисабз.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
*
11.30 Болалар учун. «Гўзаллик олами».
12.00 «Олтин соз». Андижон вилояти Избоскан туман мақомчилар ансамблининг концерти.
12.30 Спорт кўрсатувлари: 1. Теннис-клуб. 2. Футбол.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
18.25 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
18.50 «Замон билан ҳамнафас». Оқолтинлик ташаббускорлар.
19.05 «Табаррук қадамжолар». Соҳибқирон излари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Доҳийлар ва иблислар». «Ўзбеклар иши» паноҳида амалга оширилган қатағон ҳақида. Публицистик кўрсатув. 1-кўрсатув.
21.55 Мумтоз куйлардан концерт.
22.25 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
22.40 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Хай Фай». («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.35 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Жума, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.30 «Ёшлар ва замон». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Турсуной Содиқова. «Меҳр қолур». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари». Акциядор жамиятлар ва янгича иш услуби.
12.05 Кекса санъаткорлар концерти.
12.30 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 —14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир чолни ёмғир олдига боргани». Мультфильм.
18.20 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув.
18.55 «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари». Мустабид тузум қурбони.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳамкорликнинг амалий натижалари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Давра суҳбати». Қишлоқ жойларида телефонлаштириш ва бошқа алоқа хизматларини ривожлантириш.
21.30 «Қўшиғимда юрак сўзларим». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
21.55 «Доҳийлар ва иблислар». «Ўзбеклар иши» паноҳида амалга оширилган қатағон ҳақида. Публицистик кўрсатув. 2-кўрсатув.
22.45 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.55 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Эртага — шанба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сиздан ишорат...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Офарин».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 —23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.15 — 20.40
*
20.40 Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.30 «Шоҳсупа сари».
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Шанба, 15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Халқ ижодиёти». Марказий Осиё бахши-оқинларининг кўрик-беллашуви.
9.20 «Садоқатга талпинган аёл». Саида Зуннунова.
10.20 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири».
11.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.05 Теннис-клуб.
13.00 «Саньат фидойиси». Профессор Лола Ҳўжаева.
13.30 — 15.00 Футбол. Европа чемпионати.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 «Жаҳон ҳафта ичида».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
22.25 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-серия (Ҳиндистон).
23.15 Футбол. Европа чемпионати.
00.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 «Сизнинг услуб».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 —14.50 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мусиқа салтанати».
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 — 00.20 Видео — «О».
III
17.50 Дастурнинг очилиши.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.25 — 23.25
*
Россия давлат телевидениеси
23.25 — 23.55
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 Телефильм.
IV
10.00 Болалар учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари». 1-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 — 12.05 «Замандас» (қозоқ тилида).
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

Якшанба, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
11.45 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.35 «Кувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
13.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.50 — 16.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт ходимлари кунига бағишланади.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мультипанорама».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тошкент фавворалари».
21.20 «Хотира». Халқ артисти Мукаррамахоним Турғунбоеванинг хотирасига бағишланган ижодий кеча. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
22.35 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 —01.30 Футбол. Европа чемпионати.
II
9.00 «Эртак».
9.20 «Блиц». Фотокўрик.
9.30 «Сиздан ишорат...»
10.00 «Ривоят».
10.10 «Офарин».
10.40 «Таманно».
10.50 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.40 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.35 «Мактуб».
12.45 «Имкон чўққилари».
13.05 «Мусиқа салтанати».
13.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.05 Видео — «О».
15.45 «Спорт қитъаси».
17.00 «Келгуси ҳафтада».
17.15 Эълонлар.
17.20 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
17.45 «Йўлдузлар».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шаҳс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Дармон».
21.50 «Даракчи».
22.05 «Келгуси ҳафтада».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.10 Видео — «О».
III
17.10 Дастурнинг очилиши.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 21.45
*
21.45 «Жонли сайёра».
22.05 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
22.10 — 23.55
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 «Панорама».
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Эълонлар.
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 «Менинг кўчам».
12.55 «Ноди-шоу». Дам олиш кўрсатуви.
13.15 «Парле ву франсе?». Француз тили ҳамма учун.
13.45 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 1-серия (такрор.).
15.00 «Иштирок этувчилар». У. Худойберганов ва унинг командаси.
15.30 «Хамелеон одам». Бадиий фильм.
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

РОССИЯ ОЙНАИ ЖАҲОНИДА

ДУШАНБА, 10 июнь
РЖТ
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимада)
17.20 «Тропиканка сири»
18.10 Тиғиз вақт
18.35 «Мусиқани топ»
19.05 «Биз». В.Познернинг муаллифлик дастури
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 Время
20.45 «Президент сайловлари-96»
«РОССИЯ» КАНАЛИ, Дубль 4
20.50 «Никола-мастер». Ҳужжатли фильм
21.00 Вести
21.35 Сайловлар-96
21.50 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Шотландия терма командалари. Бирмингемдан олиб кўрсатилади.
СЕШАНБА, 11 июнь
РЖТ
6.30 Телетонг
6.30, 7.00, 7.30 — Кун янгиликлари, об-ҳаво
6.50 Монетний двор
7.05 Эрталабки бадантарбия
7.15 Қонун чиқарувчи
7.25 Огонек
7.40 «Президент сайловлари-96»
7.50 Телетонг (давоми)
***
17.00 Янгиликлар (сурдо таржим

«Гуллаётган диёр» танловига



Муҳаммад ЮСУФ

БОЛАЛАРИ ТУРКИСТОННИ БОҒ АЙЛАҒАЙ...

Мадҳия

Узбекистон, буйи-бастинг курсат энди,
Паҳлавоним, етди сенга навбат энди,
Олам узра ҳилпирасин абад энди
Соҳибқирон Темур туғи яшил байроқ,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ, иншооллоҳ!..

Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,
Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас,
Қаторингда ботирларинг бўлсин оғмас,
Гуркирасин Алпомишлар туққан тупроқ,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ, иншооллоҳ...

Қадим Олтин Бешик авлод масканисан,
Алишерлар, Улуғбеклар ватанисан,
Яшнагани — уз аслига қайтганисан,
Турон юртда ёнсин қайта сўнган чироқ,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ, ишооллоҳ...

Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш,
Сенга мудом иймон йўлдош, шараф йўлдош.
Бор бўлсин шу қирқ ўрим соч, ўсмали қош,
Оқ яктагу беқасам тун, шоҳи белбоғ —
Иншооллоҳ, иншооллоҳ, иншооллоҳ...

Тотув юртда янтоқ ўзин тоғ айлагай,
Бир-бирини қўллаган эл кам бўлмагай.
Болалари Туркистонни боғ айлагай,
Абад яшнар, хазон билмас энди бу боғ —
Иншооллоҳ, иншооллоҳ, иншооллоҳ!..

СОҲИБҚИРОН

Жангда ҳам ўйлаган жигарбандларни,
Сиз Соҳибқиронсиз, сиз Соҳибқирон.
Дунёга танитган Самарқандларни,
Сиз соҳибқиронсиз, сиз соҳибқирон.

Биз бугун мақтансак Бухоро билан,
Сизнинг руҳингизга ёғгай нури шан.
Отадек сирлашган фуқаро билан —
Сиз соҳибқиронсиз, сиз соҳибқирон.

Чингиздан Искандар шоҳгача тождор
Ортидан озору вайрона ёдгор.
Ҳам буюк саркарда, ҳам буюк меъмор
Сиз соҳибқиронсиз, сиз соҳибқирон.

Хаёлан дунёни кездим пиёда,
Топмадим шу азиз юртдан зиёда.
Туғингиз тутмиш бир мард темурзода
Сиз соҳибқиронсиз, сиз соҳибқирон.

Турон тикланажак мулки Туронда,
Қайга қўл узатсак зафар биз ёнда,
Чунки Сиз биз тараф, бизлар томонда —
Сиз соҳибқиронсиз, сиз соҳибқирон!..

КЎКЛАМОЙИМ

Озод акага

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўкиндим,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Кунглимга кук бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпопукдан соч илсин.
Бойчечакка борар йўллар очилсин —
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, йил боши ҳам ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Кел-да, энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кумиб келдим отамни...
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Кукинг билан кийинтирай даламни,
Оёқяланг суюнтирай боламни,
Узинг олгин куксимдаги аламни,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин адир-даштинг яланиб,
Ялпиз билан сув бўйига ястаниб
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим!..

БУ КЎРКАМ ДИЁР

Мустақил юртимнинг мард ўғлонлари,
Ўзбек сарҳадининг паҳлаворнлари.
Сиз билан тинч Ватан осмонлари,
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Аждодлар ўгити токи дилда бор,
Темур бобом руҳи бўлгай мададкор.
Дунёни маҳлиё айлар бир алёр:
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Тинчликсевар юртим посбонлари сиз,
Келажак меваси, султонлари сиз.
Буюк давлатимнинг зарбдорлари сиз,
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Улуғ халқ ўғлисиз, мағрурсиз албат,
Дўсту ёр тилайди сизларга омад.
Бўлингиз абадий соғу саломат,
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Истиқлол байроғин кўтариб баланд,
Бирлашиб қилсангиз агар ҳаракат,
Оламга кўрк бўлар бизнинг мамлакат,
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Дунёга таралди Ватаним номи,
Янгради баралла ўзбек каломи,
Жаҳон бўйлаб кезди тинчлик саломи,
Зафарлар доимо сизга бўлиб ёр
Гуллагай, яшнагай бу кўркам диёр.

Эгам СУЛТОН.

Футбол

УЧ ҲАФТА ЭКРАН ҚАРШИСИДА

Бугун Лондонда Англия - Швейцария учрашуви билан футбол бўйича Европа биринчилигига старт берилади. Қитъанинг сараланган ўн олти командаси олтин медал учун мусобақага киришишади.

— Ҳар қандай учончи ўрин биз учун маглубият билан баробардир, — дейди Италия терма жамоаси бош мураббийси Арриго Сакки, — жаҳон биринчилигининг иккинчи жамоаси ҳеч бўлмаганда Европа финалида иштирок этиши керак.

Германия командаси бош мураббийси Берти Фогст эса Клинсманн бор экан, ғалаба бизники деган фикрни билдирди.

«Хўш, ким чемпион бўлади?»

Клинсманн, Хёслер каби ёрқин юлдузларга эга Германиями, Бокшич, Бобан, Шукер, Ярни каби қатор ўйинчилари Европанинг етакчи кулубларида тўп сураётган Хорватиями?..

Балки Испания, Голландия, Франция, Руминиядир. Россия терма жамоаси бўлса не ажаб?

Уз майдонида тўп сурадиган англияликлару чемпионлик унвонини ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаган данияликлар ҳам бўш келишмайди, албатта.

Келинг, биз ҳам Европа биринчилигида иштирок этаётган жамоаларнинг қайси бири бош совриқ соҳиби бўла олади, деган саволни бир таҳлил қилиб кўрайлик.

Тарихга назар ташлар эканмиз, биринчилик иштирокчиларининг саккизтаси Европа чемпиони бўлганининг гувоҳи бўламиз. Германия терма жамоаси чемпион бўлиш шарафига икки марта муяссар бўлган бўлса, собиқ СССР, Испания, Италия, Чехословакия, Франция, Голландия, Дания терма жамоалари эса бир мартадан олтин медални қўлга киритганлар. Шунга қарамай, бу йилги чемпионат голиби ҳақида сўз юритишга ҳали эрта. Чунки, ушбу мусобақада ҳар галгидек саккизта эмас, балки ўн олтита жамоа куч синашишади. Таркибида жаҳон даражасидаги юлдузлари бўлган мазкур жамоалар эса ҳар бир яратилган имкониятдан унумли фойдаланишга қодир. Чунки, Ширер, Шапюиза, Раул, Стоичков, Клинсманн, Куба, ака-ука Лаудруплар, Клюйверт ва Беркамп, Хаджи ва Родучоу, Бокшич, Канчельскис, Раваннели ва Дель Ньерроларнинг яшил майдонда хақиқий футбол спектаклининг моҳир актёрларига айланиши ҳаммамизга маълум.

Лекин, тўп думалоқ... деганларидек ҳеч кимнинг хаёлига келмаган жамоа ғолиб бўлиши ҳам мумкин-ку!..

Ҳар қалай янги чемпион 30 июнь куни якуний баҳсда маълум бўлади. Сиз эса уч ҳафта мобайнида «зангори экран» қаршисида утириб ажойиб футбол матчларини мириқиб томоша қиласиз.

Қуйида биз Европа биринчилиги ўйинлари жадвалини тақдим этмоқдамиз.

«А» Гуруҳи
Лондон, Бирмингем шаҳарлари

Англия	/////	8 июнь	18 июнь	15 июнь
Швейцария	8 июнь	//////	13 июнь	18 июнь
Голландия	18июнь	13 июнь	//////	10 июнь
Шотландия	15июнь	18 июнь	10 июнь	///////

«Б» Гуруҳи
Лидс, Ньюкасл шаҳарлари

Испания	//////	9 июнь	18 июнь	15 июнь
Болгария	9 июнь	//////	13 июнь	18 июнь
Руминия	18 июнь	13 июнь	//////	10 июнь
Франция	15 июнь	18 июнь	10 июнь	///////

«С» Гуруҳи
Манчестер, Ливерпуль шаҳарлари

Германия	//////	9 июнь	19 июнь	16 июнь
Чехия	9 июнь	//////	14 июнь	19 июнь
Италия	19 июнь	14 июнь	///////	11 июнь
Россия	16 июнь	11 июнь	19 июнь	///////

«Д» Гуруҳи
Шеффилд, Ноттингем шаҳарлари

Дания	//////	9 июнь	19 июнь	16 июнь
Португалия	9июнь	//////	14 июнь	19 июнь
Туркия	19 июнь	14 июнь	///////	11 июнь
Хорватия	16 июнь	19 июнь	11 июнь	///////

1/4 финал

22 июнь	Лондон	2«В» - 1«А»
22 июнь	Ливерпуль	1«В» - 2«А»
23 июнь	Манчестер	1«С» - 2«Д»
23 июнь	Бирменгем	1«Д» - 2«С»

1/2 финал

26 июнь Манчестер	Ливерпуль - Бирменгем
26 июнь Лондон	Лондон - Манчестер

ФИНАЛ

30 июнь Лондон	«Уэмбли» уйингоҳи.

Шахмат

ШОҲСУПАДА УЧИНЧИ МАРТА

20 май - 5 июнь кунлари Тошкентда эркаклар ўртасида олий табақа республика биринчилиги ўтказилди. Унда гроссмейстерлар, шахмат усталари билан бир қаторда ёш истеъдод эгалари ҳам иштирок этишди.

Биринчилик шоҳсупаси учинчи матотаба чирчиқлик халқаро гроссмейстер Йўлдош Сайдалиевга насиб этди. У бош соврин билан бирга 37 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди.

Самарқандлик халқаро тоифадаги шахмат устаси Т. Воҳидов ва чирчиқлик халқоро гроссмейстер М. Салтаевлар иккинчи-учинчи ўринларни баҳам кўришди.

Энг ёш шахматчи ўн уч ёшли самарқандлик Иброҳим Ҳамроқулов учун ҳам биринчилик умрбод ёдда қоладиган бўлди. Унга «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Комилжон Юсупов жамғарманинг қимматбоҳо совғаларини топширди.

СПОРТ ЙЎЛИ — БАХТ ЙЎЛИ

Зокировлар оиласини нафақат Тошкентда балки республикамизнинг бошқа чеккаларида ҳам яхши билишади. Мазкур оиланинг спорт билан кўп йиллардан буён ошно бўлиб келаётганлиги унинг бу қадар юксак обрў қозонишига сабаб бўлган.

Зокировларнинг каттаси педагогика фанлари номзоди Шокир Назарович Зокиров республикамиздан боксни тарғиб қилишда катта хизматлари сингтан Сидней Жаксон устозлигида 13 ёшида бокс билан шуғуллана бошлаган эди. Шундан бери унинг бутун умри спортга бағишланди. Тошкент давлат жисмоний тарбия ва спорт институтида бокс кафедрасини бошқарди. Узоқ йиллар таклиф қилганлиги сабабли чет элларда ишлади. Ҳозирда эса пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирида ёшларга спорт сирларини ўргатяпти.

Шокир аканинг тўртта ўғлидан ҳаммаси ота изидан бориб спортга чин кўнгилдан ихлос қўйишди. Бугунги кунда уларнинг бари бокс бўйича спорт усталаридир.

Шокир аканинг ўғилларидан бири Ботир боксда кўплаб муваффақиятларга эришди. Усмирлар ўртасида собиқ СССР чемпионатининг олтин медалини қўлга киритиб, кўплаб йирик турнирларда ғалаба қозонди. Шунга қарамай, у кейинчалик кикбоксинг мусобақаларига қатнаша бошлади. Дастлабки йилларданок, осиё чемпионатининг олтин белбоғини қўлга киритиб, бу спорт турида ҳам тезда мутахассисларнинг юқори баҳосини олишга сазовор бўлди.

Бугунги кунда Халқаро тоифадаги ҳакам Ботир Зокиров ёшларга спортнинг нозик сир-асрорларидан сабоқ беряпти. Уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб тарбияланишида катта ҳисса қўшмоқда. Албатта, отаси Шокир аканинг, умрининг 53 йилини спортга бағишлаб. бутун бир боксчилар авлодини тарбиялаган инсоннинг ҳар бир маслаҳати кўрсатган йўл-йўриғи ёшларни спортга жалб қилиш йўлида Ботирга катта ёрдам бўляпти.

Суратларда: машҳур боксчи ва кикбоксингчи Ботир Зокиров отаси ва устози, педагогика фанлари номзоди Шокир Зокиров билан.

Оила даврасида: Шокир Зокиров (чапда), Ботир, онаси Мақсуда опа ва хонадоннинг бахтиёр келини (Ботирнинг хотини) Дилбар.

А. РИСҚИЕВ олган суратлар.



Газета саҳифаланаётганда

СЕРВИҚОР ТОҒЛАР БАҒРИДА

Бўстонлиқ тумани Бурчмилла қишлоғидаги «Самородон» пансионатида уюштирилган катта шоу дастур йиғилганларга яхши кайфият бахш этди. Дилларда ажиб таассуротлар қолдирди. Бу тадбирда Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими саҳоват кўрсатди.

Анжуманда таниқли санъаткорлар ва гуруҳлар қатори болалар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тантанада Тошкент шаҳар ҳокимияти, мутасадди ташкилот, муассасалар раҳбарлари вакиллари иштирок этишиб, байрамни қизиқарли ва мазмунли ўтишида ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Турли кўрик-танловлари ғолиблари бўлмиш 200 дан ортиқ мактаб ўқувчилари шоу-дастурда қатнашибгина қолмай, бир ҳафта давомида кенг тоғлар бағрида дам олиш бахтига ҳам муяссар бўлдилар.

Ранг-баранг олам

МУКОФОТГА — «САНТА-БАРБАРА»

Свердловск вилояти ички ишлар бошқармасининг хабарига қараганда, балоғатга етмаган махбуслар Ирбит қамоқхонасида пайдо бўлган янги камерага тушишни орзу қиладиган бўлиб қолишди.

Собиқ зиндонда эндиликда катта телевизион зал жиҳозланди. У атайин усмирларга мўлжаллаб ташкил этилди. «Санта-Барабара» ҳамда бошқа сериаллар ва дастурларни кўриш фақат энг интизомли махбусларга рухсат қилинади. «Телекамера» — барча кўпроқ ўтиришни хоҳлайдиган ягона жойга айланди.

ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТГА ЎТГАН ИТ

Ҳар куни тонгда Львов шаҳридаги марказий бозорда катта кулранг ит пайдо бўлади. Расталар бўйлаб бамайлихотир юриб боради-да, узига ёққан гўшт дукончаси қаршисида ерга чўкади. Сал ўтмай сотувчи қарайдики, харидорлар итдан хавотирланиб дукончани четлаб ўтишаётир. Шундан сўнг қассоб гўштнинг лаҳм жойидан бирор килони кесиб олиб, «чақирилмаган меҳмон»нинг олдига ташлайди. Ит ўлжани хотиржам қабул қилиб олиб, ушандай хотиржамлик билан хакалак отган нафсини обдон қондиради-да, навбатдаги қассобдан улуш ундириш учун ўрнидан қўзғалади.

ЖУНГЛИДАН КЕЛТИРИЛГАН ТИРИК НАРКОТИК

Лос-Анжелес ва Сан-Франциснинг хитойлар яшайдиган мавзеларида гиёҳвандлик жуда авжига чиққан.

Яқиндан бошлаб «кайф» ишқибозлари «тирик наркотик» — митти, камҳаракат қора ургимчак ёрдамидан фойдаланадиган одат чиқаришди. Бунинг учун ўргимчак бурун тешигига киритиб юборилади. Ургимчак ўзидан чиқарган суюқ модда бош миянинг асаб ҳужайраларига наркотик таъсир кўрсатади, қарабсизки...

Бу хил ургимчаклар Таиланднинг гадойтопмас жунглисида яшайди. Уларни тутиш ниҳоятда қийин. Сунъий равишда кўпайтиришнинг иложи йўқ. Шу боис «тирик наркотик»нинг жаҳон бозоридаги нархи ҳаддан ташқари баланд, деб ёзади Франциянинг «Фигаро» газетаси.

«УЧ БАҚАЛОҚ»ДА ЎЙНАГАН

Одамзот табиатан шунақа — қизиқувчан бўлади. Ҳойнаҳой сиз ҳам қизиқсиниб, «Уч бақалоқ» фильмида Суок исмли қизча ролини ўйнаган Лина Брокните ҳозир нима иш билан машғул эканини билгингиз келар. Унда марҳамат, эшитинг. Лина ҳозир Литва пойтахтида яшайди. Ёши ҳам илгаригидек 14 да эмас, роппа-роса 44 ёшда. Касби... Йўқ, у киноактриса эмас. Гарчанд, «Уч бақалоқ»дан ташқари яна еттита фильмда иштирок этган бўлса-да, буни шунчаки «ўйин» деб билган. Мактабни битиргач, Вильнюс университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, қарийб 20 йил тарих институтида кутубхоначи бўлиб ишлаган. Яқиндан бошлаб эрига тегишли китоб нашриётига ишга ўтди. Айтишларича, бир вақтлар фильмларда суратга тушгани ҳатто эсидан чиқиб кетган. Мана буни «қизиқиш» деса бўлади.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- *Юракда қолган излар*
- *Жаримачи раҳбарлар ва...*

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Мавзуотчилар кўчаси, 39-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —— 0310
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми —— 2 табоқ. Тираж — 9604.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00
1 2 3 4 5 6